

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

„НЕФТЬ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРИНИ БУРҒИЛАШ“

**фанидан бакалаврлар учун
маърузалар матни**

Уқув қўлланмаси

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Абу Райҳон Беруний номидаги
Тошкент давлат техника университети

“Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш”
фанидан бакалаврлар учун маърузалар матни

Ўқув қўлланмаси

СУЗ БОШИ

† Ўзбекистон Республикасида нефть ва газни қазиб олиш соҳасида сунгги йилларда катта муваффақиятларга эришилди.

Нефть ва газ саноатининг халқ ҳўжалиги тармоқларида тутган ўрни бежйёсдир. Чунки нефть ва газ маҳсулотларисиз саноатнинг ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун “Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш” фанининг асосий мақсади - қудуқлардан нефть ва газ қазиб олиш ва шу қазиб олишда ишлатиладиган бутун жараёни ўз ичига қамраб олишдир. Чунки бу фан нефть ва газ қазиб олишда ишлатиладиган асбоб ва ускуналар тўғрисида маълумотнома, тоғ жинсларининг физик, механик ва кимёвий хоссаларини, тоғ жинсларини бурғилаш ва бурғиловчи асбобларининг ишлаш механизмларини, жинс парчаловчи ва намуна олувчи конструктив элементларини, едирилиш механизмлари ва уларнинг ишлаш принципларини ўргатади.

Яна бу фанни ўқишда мақсад - нефть ва газ муҳассилиги талабаларига нефть ва газ қудуқларини қуриш соҳаси бўйича билим беришдир. Бу вазифаларга бурғилаш ишларидан назарий билим берип, бурғилашда меҳнатни тўғри ташикл этиш, бурғилаш соҳасидаги илмий, техник муаммоларни ривожлантиришда, ўз ватанимиздаги ва чет элдаги шу соҳадаги янгиликларни ўргатиш киради.

Қўпроқ замонавий бурғилаш технология жихозларини ривожлантириш, қандай қилиб бурғилаш ишларини маҳсулдорлигини ошириш масалалари кўрйлади.

Ҳозирги пайтгача анча кўп конлар очилган. Аммо мамлакатимизнинг ер қаърида япирилиб ётган янги конлар мавжуд. Биз геологларга ва геофизикларга суянган ҳолда шу янги конларни излаб топишимиз ва уларни халқ ҳўжалигига тадбик этишимиз керак.

“Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш” фани бошқа фанлар билан узвий алоқададир. Бу фан геология, геофизика, бошқа табиий ва техник фанлар билан узвий боғлиқ. Айниқса ҳозирги вақтда ҳеч бир фан соҳасини математикасиз ва ЭХМларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Талабалар фанни ўрганаётганда нефть ва газ қудуқларини бурғилашда ва тоғ жинсларининг физик, кимёвий, механик хусусиятларини амалиётда ва лаборатория шароитларида экспериментлар олиб бориб ўз билимини оширади. Бундан бир неча асрлар олдин одамлар нефтни ишлатганлар. Нефтьдан даволаш мақсадида ҳам фойдаланиб келинган. Моҳовларда, кўзнинг газак олишида ишлатганлар. Нефть асосан ёқувчи нур сифатида ишлатилинган. Халқ ҳўжалиги саноатида нефть ва табиий битум кент тарқалган. Демак, нефть ва нефть маҳсулотларисиз техниканинг ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди.

Нефтининг кент қўлланиши, ҳозирги замонавий техниканинг ривожланиши нефтни қазиб олиш ва тежаб ишлатиш суратини кўпайтиради.

Нефть ва газни қазиб чиқариш жараёни динамик ҳаракат жараёнидир. Чунки қатламдаги нефть ва газни олиш давомида ундаги дастлабки ҳолатлар вақт ўтиши билан ўзгариб туради.

Ҳозирги айни пайтда нефть ва газ конларининг чуқурлиги ортиб бормоқда. Бу эса техника ва технологиянинг мураккаблашувига олиб келади.

Қудуқни кавлаш жараёни, маҳсулдор қатламларни очиш, уларни синаш ишга тушириш, қатламнинг физик, механик, геологик хусусиятларини ўрганиш, қатлам босимларининг пасайиши ва ошишининг олдини олиш “нефть ва газ қудуқларини бурғилад” фанининг вазифасидир.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги қайд қилинган вазифалар, нефть ва газ конларини бурғилад, уларни ишлатиш жуда катта маъсулиятни талаб қиладиган муҳим халқ ҳужалик аҳамиятига эга бўлган мураккаб жараёндр.

Нефть ва газ конларини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва тадқиқ қилиш “нефть ва газ қудуқларини бурғилад” фанининг бевосита вазифасидир.

Шу билан бу фан хусусидаги керакли маълумотларни тўплаш, уларни тартибга солиш ва таҳлил қилиш вазифаси катта аҳамият касб этади.

Шунинг учун талабалардан ўқиш ва яна ўқишни талаб қиламиз.

1 - маъруза. БУРҒИЛАШ ТЕХНИКАСИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ- НИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.

Нефтьдан қадим замонда даволаш мақсадида фойдаланиб келганлар. Чуқурликлар ҳосил қилиниб нефть қазиб олишган. Нефтни қазиб чиқариш учун қудуқни кавлашда қўл кучидан фойдаланганлар. Қудуқ тубида нефть йиғилиб туПРОҚқа шимилиб сизиб чиқа бошлаган. Феодализм даврига келиб буюк географик янгиликлар очилиши натижасида нефть маҳсулдорлиги кўпая бошлаган. Янгидан-янги техникалар тури яратила бошланган. Завод, фабрика, темир йўл, сув транспортишини ишга тушиши ва кўпайиши натижасида уларга иссиқлик энергиясининг кераклиги, биринчи навбатда ўша даврда кўмир ва нефтьга бўлган эҳтиёжни кўпайтирди. Бунинг учун янги ғоялар илмий, изланишлар билан ишлашга тўғри келди. Тоғ жинсларини шарчалашда янги усуллардан фойдаланишга киришилди. Нефтни ер устига чиқаришининг янги усуллари пайдо бўлди, Бу усул қудуқларни бурғилад йўли билан олиб борилди.

Нефть ва газ конларини ва улар жойлашган майдонларни қидириш ишлари кучайиб кетди. Эндиги уларнинг вазифаси иложи борица кўпроқ нефть ва газ конларининг маҳсулдор қатламларини очиш учун шу даврнинг долзарб муаммоларидадир.

Дунёда биринчи нефть қудуғи - Биби-Эйбате Озарбайжон Республикасида 1847 йили В.Н. Семенов томонидан қазилган. Бу биринчи айланма штангали қудуқ қўл кучи билан қазиб олинган.

Нефть ва газ конларини қазиб чиқариш назарияси ва тажрибаси узвий боғланган ҳамда бир қанча даврлардан иборат. [1].

Биринчи давр "нефть ва газ саноати ташкил топиш даври" деб аталади ва 1918 йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Нефть чиқариш фақат Боку ва Мейкўп районларида олиб борилган эди. Нефть челақлар ёрдамида чуқурлиги 100-150 м ва кенлиги 1-1,5 м бўлган қудуқлардан намуналар сифатида олинар эди. Кейинчалик нефтли қудуқларни бурғилаш қўл кучи ўрнига зарбли штангали усул билан олиб борилган. Темирли штангалар бурғиладда кенг қўлланила бошлади. Зарбли арқонли бурғилаш методи Озарбайжонда 1878 йили қўлланилди. Нефть бурғиланган қудуқлардан (чуқурлиги 40-70 м) фонтан шаклида 1864 йилда Кубанда (Кудано) ва 1869 йилда Апшерон ярим оролида (Болхона) олинди.

Қудуқларни жиҳозлаш техникасининг қолоқлиги туфайли чиқаётган нефтни тартибга солиб бўлмас эди. Нефть қатлами эса қисман очилар эди.

1888 йилда А.М.Кошин деган геолог биринчи марта нефть захираларини ҳисоблашда ҳажм усулини қўлади.

1905 йилди И.Н. Стрижев Грозний районидаги нефть конлари захирасини ҳажм усули билан ҳисоблади.

Қудуқларни ўрғанишда геофизик усуллардан фойдаланиш ҳам қўлланила бошлади 1906-1916 йилларда машҳур геолог Д.В.Голубятников Озарбайжон ва Доғистоннинг 300 дан ортиқ конларида улардаги қудуқлар ҳароратини мухтазам ўлчаб борди.

Иккинчи даврда қўл кучидан механик кучига ўтишди. Рус муҳандислари Г.Д. Романовский (1825-1906 йил) ва С.Г.Войсенов (1850-1904 йил) механик кучга ўтиш методининг асосчиларидир. Қудуқнинг чуқурлиги 1900 йили 300 метрга етди.

Зарбли бурғиладда бурғи ускунаси минутига 26 дан 40 мартагача кўтариб туширига эришилди ва ҳар икки соатда бурғи ускунасини юқорига кўтариб тоғ жинсларидан тозалаганлар, қудуқ деворлари емирилиши олдини олиш учун 12-14 та колонна билан маҳкамланган. Бунинг учун жуда қўп метал жиҳозлари сарфланган. Ҳар метр қазилган жойга 0,5 тонна материал кетган. 300-400 м чуқурликда штангали бурғиладда қазиб теълиги ойига 34,6 м/устунни ташкил қилган. Грознийда қудуқнинг чуқурлиги 600 метрда теълик 90 м/устун -ойига. Зарбли бурғи ўринга айланималли бурғилар ишлатила бошланди. Бу усулнинг қўлланилиши қудуқ қазиниши бир маромда олиб борилиши таъминлаган. Бурғилаш ускуналари тоғ жинсларидан сувли асосда ювилиб тозаланиб борилган.

1848 йил француз муҳандиси Фовель қазилган тоғ жинсларини циркуляция оқим ёрдамида юқорига чиқарди. Америка Қўшма Штатла-

рида дунёда биринчи марта 1901 йили роторли бурғилаш ишлатилди. Циркуляцион оқим ёрдамида қудуқларни ювиш ишлари олиб борилди ва айланмали бурғилаш усулидан фойдаланилди. Грозний туманида 345 метр чуқурликда ротор усулида қудуқ бурғиланди. 1906 йили рус муҳандиси А.А.Богутевский қудуқ ва мустақкамловчи қувур орасида цемент эритмасини ҳайдади ва яратган янгиллиги учун патент олди. Бу бутун дунё бўйлаб тезда тарқатди. 1918 йили Америка муҳандиси Перкинс бу ишни такомиллаштириб қудуқларни цементлагани учун ҳам патент олди.

Нефть ва газ конларини излаб топиш ва қудуқларни чуқурлик теълигини топиш амалиёти ривожланиб борди. Қудуқларни бурғилаш, уларни ўзлаштириш ва ишга тушириш, қатламларни оқилона қазиб чиқариш ҳамда захираларни ҳисоблашда, олимларнинг бевосита иштирок этиши катта роль ўйнади.

Шуниг учун плмий оммабон журналлар нашр қилина бошланди.

1825 йили "Тоғ журнали" чиқа бошлади. 1899 йили Бокуда "Нефть иши" ("Нефтяное дело") журнали чикди. Ҳозирги кунда 1997 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда "Нефть ва газ" журнали чоп этилмоқда.

Учинчи давр Иккинчи жаҳон уруши йилларидаш кейинги даврни ўз ичига олади. Нефтни қазиб олиш жуда тез ривожланди. Мамалакатимиз турли районларида қўлаб нефть ва газ захиралари топилди.

Қатламларга назарий асосда сув ҳайдаш усуллари ўйлаб тоинилди ва у амалиётда қўлланилди.

1950 йилнинг охиридан бошлаб мамлакатимизда газ саноати жадал суръатлар билан ривожланди. Ўзбекистонда газ саноати халқ хўжалигининг мустақил тармоқлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин нефть ва газ захираларини қазиб олиш тезлашди. Чет эл сармоялари кириб келди. Қўлаб завод, фабрикалар қурилди. Қўқдумалюкдаги "Газ ва конденсат" қайта ишлаш заводи, Муборак газини қайта яшлаш, Фарғона нефтини қайта ишлаш заводлари шулар жумласидандир.

"Нефть ва газ қудуқларни бурғилаш" фанининг ривожланишига проф. Ў.Ж.Мамажонов, проф. А.К.Рахимов ва "ЎзбекЛИТИИнефтьгаз" илмий тадқиқот институт илмий ходимлари, ТошДТУ "Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш" кафедраси ўқитувчиларининг қўшган хиссалари бекиёсдир.

2 - маъруза. БУРҒИЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ.

Қудуқ - цилиндрик шаклда ишлаб чиқилган, чуқурлик диаметрининг узунлигига нисбатан кичиклиги билан тасвирланувчи ва ер қобиғидаги қурилмадир.

Қудуқнинг юқори қисми "қудуқ оғзи", қудуқнинг қуйи қисми "қудуқ туби" дейилади. Қудуқларни бурғилашда механик автоматлаштирилган айлашма бурғилардан фойдаланилади ва қазилган тоғ жинслари ер

устига олиб чиқилади. Қудуқни оддий бурғилашда бурғи тоғ жинсларини майдалайди. Қудуқ намуна олиш учун бурғиланса фақат қудуқнинг цилиндрик айланма фаза сирти майдаланиб, унинг ичидаги тоғ жинслари майдаланмайди. Намунани қандай олиш тўғрисидаги маълумотлар кейинги параграфларда берилди. Ҳамма қудуқлар жойлашган ҳудудига, шароитига қараб қуйидаги категорияларга бўлинади.

1. Таянч қудуғи-кенг регионли ўлкаларда нефть ва газ конларининг геологик қидирув ишлари олиб бориш, геологик ва гидрогеологик усуллари ўрганилади.

2. Параметрик қудуқ-чуқурликдаги бурғилаш муҳит геологик тузилишини, қазилаётган майдонда нефть ва газ йиғилиши перспективасини, геологик-геофизик ва сейсмик маълумотларни олиш.

3. Тузилмали қудуқ-(антиклинал бурма майдон тузилиши кийинкланиши ва бош.) тайёрлов излов қидирув ишлар учун қазилади.

4. Излов қудуқлари-геологик қидирув ишлари тайёрлаш (геологик тасвир олиш, қудуқнинг техник ҳолатини аниқлаш, структурали бурғилаш, геофизик ва геохимёвий излаш ишлар ёки комплекс усуллар олиб бориш), янги нефть ва газ конларини очиши тушинилади.

5. Қидирув қудуғи-топилган нефть ва газ конларининг халқ хўжалигидаги ўрнини баҳолаш ва геологик қидирув ишларининг бир даврини якунлаш ва захираларини қидириш учун қазилади.

6. Ишлатиш қудуғи - нефть ва газ захира уюмларини ишлатиш. Қатламдаги нефть ва газни характерловчи кучларни, ўз массаси билан таъсир чегара сувларининг босими, газ қалпоқдаги газнинг босими, нефтьда эритган ҳолатда ажралиб чиқаётган газнинг кучи, нефтнинг оғирлик кучи, газ ва газоконденсатдаги асосий куч босимлари, қудуқларни ишлатиш усуллари, уюмнинг геологик ва геофизик хоссалари, коллекторларнинг ётиш шароитлари, уюмнинг сув босими системаси билан узвий боғлиқлиги, қатлам босимининг камайиш даражаси сув + нефть, нефть + газ, газ + сув чегараларини назорат қилиш ва ҳоказолар.

7. Махсус қудуқлар-кон кўрсаткичларини ўрганиш, қатламда ер газ омборларини қазини ва газларни ҳайдаш, сақлаш, махсус техник сувларни ҳайдаш учун қазилади. Бундай қудуқларни икки турга: 1) баҳоловчи; 2) назорат қилувчи қудуқларга бўлинади.

3-мартуза . ҚУДУҚЛАРНИ БУРҒИЛАШ УСУЛЛАРИ.

Ҳозирги кунда қудуқларни бурғилашда механик автоматлаштирилган айланма бурғилардан фойдаланилади. Бу механик усуллар тоғ жинсларининг жойлашишига, механик, термик, физик-химёвий, иссиқлик-физик хоссаларига боғлиқ. Механик бурғилаш зарбли, айланма, зарбли-айланма бурғилаш усуллари билан амалга оширилади. Охириги 40 йил давомида бу усуллардан фойдаланиш камайиб кетди. Фақат зарбли

бурғилаш геологик қидирув ишларида сув ва қаттиқ керакли жинсларни қазиб чиқаришда ва бошқа ишларда ишлатилади.

АЙЛАНМАЛИ БУРҒИЛАШ.

Айланма бурғилаш жараёнида тоғ жинслари бурғи ёрдамида емирилиб, иккита таъсир доирасида, янги бурғини айлантиришни таъминловчи айланма момент ва бурғи ўқига йўналган ва уш тоғ жинсига киритувчи ўқ юкидан иборат. Бу усул билан емирилиш жараёни узлуксиз бажарилади. Қудуқ тубидаги тоғ жинслари бўлақларини тозалаш учун қудуқ қувурларидан ювиш суяқлиги ҳайдалади. Бу суяқлик ўзига тоғ жинси бўлақлари ва заррачаларини ўзига тортиб олади ва бирга қудуқ юзасига олиб чиқади.

Айланмали бурғилаш жараёни двигателъ ёрдамида амалга оширилади. Роторли айланмали бурғилаш асбоби ускунанинг юқори қисмида жойлашган бўлиб унинг ёрдамида бурғи асбоби ва бутун бурғили қувурлар биргаликда айлантирилади. Туб двигателлар (турбинали ва элктрли) двигател бурғининг устига ўрнатилади.

Айланмали бурғилаш усулида қуйидаги асбоблардан фойдаланилади.

- 1) тоғ жинсини - емирувчи бурғи;
- 2) бурғи қувури;
- 3) оғирлаштирилган бурғили қувур (ОБҚ);
- 4) кенгайтирувчи стабилизатор, центратор;
- 5) етакчи қувур;
- 6) ўтказувчи қурилма,

қўшимча ёрдамчи асбоблар:

- 1) алеватор, штрот;
- 2) бурғи қувурларини маҳкамловчи ва бўшатувчи калитлар;
- 3) кичик механизация элементлари.

Ротор бурғили миноранинг марказида жойлашган бўлади. Турбобур роторли бурғилашда ишлатилмайди. Бурғили ва етакчи қувур майдон ичида жойлашган бўлади. Вертлюгнинг пастки қисмига етакчи қувур уланади ва бурғили қувурлар колонналари билан бирга айланади. Аммо унинг юқори қисми айланмайди. Бурғилаш насослари ёрдамида илгичга шланглар ичидан бурғилаш эритмалари ҳайдалади. Бу шланг вертлюгнинг айланмайдиган қисмига жойлашган бўлади. Юқори айланмайдиган вертлюг қисмига шарнирли штрот маҳкамланган. Бу қўтарувчи илгакга илинган бўлади ва талёвой блокга боғланган миноранинг энг юқори қисмига крон-блок ўрнатилади ва у бир неча роликлардан иборат бўлади.

Бурғилаш пайтида қувурлар колоннаси илгакга осилиб чуқурликга туширилади ва улар навбат билан кетма-кет улашиб кетилаверади. 30-600 м бурғилангандан кейин кондуктор туширилади. У енгил тоғ жинсларини емиришдан сақлайди ва кейинги вертикал йўналишларга йўл очиб беради.

Кондуктор туширилгандан сўнг цементланади. Қудук девори ва мустаҳкамловчи қувур оралиғига цементли эритма ҳайдалади. Цементли эритма юқорига кўтарилиб бутун қувур ташқи бўйлағини эгаллайди. Цемент эритмаси қотиб бўлгандан сўнг бурғилаш давом эттирилади ва қудуққа техник колонна қазип учун бурғи туширилади. Бурғи диаметри кондуктор диаметридан кичик бўлади ва кейинги лойиҳаланган чуқурликгача бурғиланади. Қудуққа мустаҳкамловчи қувурлар туширилади ва цементланади. Агар бурғилаш вақтида қандайдир илжалликлар, ғирчилликлар, асоратлар рўй берса биринчи ва иккинчи оралиқ колонналар қазилади.

Шундай қилиб, бутун қудуқни қуриш цикли қуйидаги элементлардан а) минорани ўрнатиш, монтаж қилиш, бурғилиш ускуналарини то бириинчи қурилиш ишларини;

б) қудуқларни қазилишни тайёрлов ишларини;

в) бурғилаш ишларини;

г) катламларни маҳкамлаш ва цементлаш ишларини бажариш;

д) нефть ва газ қудуқларни синаш;

е) демонтаж ишларини олиб боришдан иборат

4. МАЙМУЗА. БУРҒИЛАШ УСКУНАЛАРИ.

Нефть ва газ қудуқларини бурғилаш жараёни бурғилаш минораси ва ёрдамчи ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Агрегат комплекслари механизмлари ва қурilmалари ер устиди қисмида жойлашган бўлади. Бурғилаш минораси жамламаси қуйидагилардан: тизмалар, бурғилаш қувурлари жойлаштириш; бурғилаш жиҳозларини тушириб кўтариб олиш ускуналари; ускуналарнинг айланishiни таъминловчи қурilmалар; бурғилаш эритмаларини ҳайлаш учун ишлатиладиган насослар; кучини таъминловчи узатма; бурғилаш суюқликларини тайёрлаш ва пайдалан механизмлари, механик ва автоматлаштириш ва юқорига кўтариб тушириш операция механизмлари, назорат ўлчовчи асбоб ва ёрдамчи қурilmалардан ташкил топган.

Бурғилаш ускуналарини кўтариб тушириш учун ҳар хил бурғилаш минораларидан фойдаланилади. Қудуқларини конструкцияси ва чуқурлигига қараб бурғилаш миноралари қуйидагиларга ажратилади. Қудуқларни қазитиш учун нормал (Н900-50, 1950 йил ва (Н900-80, 1960 йил) бурғилаш ускуналаридан фойдаланилади. Бурғилаш минораси юндариш кўтаришига қараб қуйидаги синфларга бўлинади (1-жадвал).

Бурғилаш ускунасининг синфлари

Параметрлар	БУ-50	БУ-80	БУ-125	БУ-200	БУ-250
Нормал юк кўтариш, Т	50	80	125	200	250
Максимал юк кўтариш, Т	110	140	200	320	400

1-жадвал давом

Энг катта тадевой системани- нг остиастиаси	4x5	4x5	5x6	6x7	6x7
Илгак кўтариш сон	4	4	6	6	6
Ротор столи тешикларининг диаметри, мм	460	460	560	560	560
Минора баландлиги, м	40	42	42-53	53	54

2-жадвалда бургилаш ускунасининг техник тафсини берилган:

2-жадвал

Параметрлар	Бургилаш ускунасининг турлари			
	Уралмаш 3Д-67	Уралмаш 200 ДГ	Уралмаш 300 ДЭ	Уралмаш 300 Д
Чуқурлик, м	5000	6500	3000	5000
Илгак, номинал юк кўтариш, Т	200	200	600	300
Илгакнинг максимал юк кўт. Т	225	320	400	400
Бариян лебедкасининг қуввати КВТ (д.с.)	728	1471	2721	2717
	(1990)	(2000)	(3700)	(3150)
Илгакнинг юқорига кўтариш тезлиги, м/с:				
энг кичиги	0,18	0,185	0,1-0,2	0,1-0,2
энг каттиси	1,58	1,76	1,8	1,8

Бу бургилаш ускуналарини танлашда қудуқлар лойиҳасига, аниқ геологик, иқлимли, энергетик, транспорт ва бошқа шароитлар алоҳида аён бўлганда оиди кирак.

5-мартузи . БУРГИЛАШ МИНОРАСИ

Бургилаш минораси юкларнинг оғирлигига, баландлигига ва қурулганлигига қараб ажратилади. Қудуқнинг чуқурлиги 4000 м гача бўлган чуқурликлар учун 41 млн 4000 м дан ошқ чуқурликда эса 53 м ва 60-70 млн бургилаш минораси ишлатилади.

Нефть ва газ қудуқларини бургилаш лойиҳада бургилаш ускуналарининг бир меърада ишлашини таъминлаб турувчи кўтариш ускуналарини қуйидагилардан иборат: кронблок: минора; осма трюкдан (тадевой блок): аркан; осма чигир (тадевой блок); илгак; қўлгазмас осма аркандан бургилаш лебедкадан иборат

Осма системаси қуйидагиларга бўғинади: кронблок миноранин юқори қисмига фрикцион бўлади; қўлгазувчи осма чигир, осма аркан янаки ва штопорлардан иборат.

Бургилаш лойиҳасига қараб бургилаш қурилмаси икки хил турга бўлинади: 1) минорали; 2) маттали. Минорали бургилаш қурилмасида

огирлик тўрт таянчга берилади; матчали бурғилан қурилмасида эса огирлик икки таянчга тушади. Бу икки хил бурғилан қурилмасининг тавсифи 3-жадвалда берилган.

3-жадвал

Параметрлари	Бэнен типли минора			Матча типли А-симон минора		
	150	200	300	75	80	125
Илгак номинал юк қўтариш, Т						
Илгак максимал юк қўтариш, Т	200	250	350	100	140	160
Юқори қисм ўлчами, м (оёқ ўқлари оралиғи)	2x2	2x2	2x2	-	-	-
Пастки қисм ўлчамлари (оёқ ўқлари оралиғи), м	8x8	8x8	8x8	-	-	-
Таянчлар орасидаги ўлчам, м	-	-	-	6,2	7,2	9,2
Миноранинг баландлиги, м	41	40	53	40	40	43
Миноранинг бутун огирлиги, кг	24500	30500	50500	18200	18300	26400

6-мәғруза. ТОҒ ЖИНСЛАРИ

Тоғ жинсларининг физик ва механик хоссалари.

“Тоғ жинслари” деганда, маълум таркиб ва тuzилишига эга бўлган табиий минерал агрегатлар йиғиндисини тушунамиз. Тоғ жинслари турли хил ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлиб, ер пўстида мустақил жинс ҳолида ётади. Табиатда ҳамма тоғ жинслари пайдо бўлишига қараб қуйидаги турларга: магматик, отқинди, чўқинди, метаморфик жинсларга бўлинади.

“Магматик тоғ жинслари” деб, магманинг аста-секин кристалланишидан ёки ер юзасига оқиб чиқиб ва сўйгра қотиниш натижасида ҳосил бўлган жинсларга айтилади. Магматик тоғ жинслари ер пўстининг чуқур қисмида ҳосил бўлса, “абиссаль жинслар” деб аталади. Яна буни қуйидагича тушуниш мумкин - ер остидаги несиж моддаларининг газ, суяқ ёки қаттиқ ҳолда ер устига қўтарилиб чиқиш жараёни “вулқон ҳодисалари” дейилади.

Чўқинди жинслар ер юзасидаги турли жинсларнинг сурашидан, емирилишидан ҳосил бўлган маҳсулотларининг бир жойдан иккинчи жойга қўчиб бориб тулланишидан ҳосил бўлади. Бундай маҳсулотлар тоғ жинси ҳисоб-лашмайди. Улар ўз бошидан зинчланиш, цементланиш жараёнини ўтказгандагина тоғ жинсига айланади. Чўқинди тоғ жинсларининг қалинлиги бир неча сантиметрдан бир неча юз метр, баъзан бир неча ки-

лометрчага давом этади. Масалан, Фарғона водийсида уларнинг қалинлиги 1500 метрчага этади.

Метаморфик тоғ жинсларининг мураккаб физик-кимёвий жараёнларининг тоғ жинсларига таъсири натижасида (тоғ жинсларининг ҳарорат, босим ва кимёвий реакциялар таъсирида қайтадан ҳосил бўлиши) ўзгаришни “метаморфизм” деб аталади.

Тоғ жинслари ҳар хил ҳолларда шаклланади ва қўйдаги хоссаларга бўйсунади:

а) физик хоссаи-ташқи шaroит таъсирида жинсларининг зичланиши (цементланиш, боғланиш, қаттиқлик ва бошқалар);

б) жинсларининг сувга муносибати, сув ўтказувчанлиги, сув сифми, гилли жинсларининг намланганлик ҳолати, сувда эрувчанлиги ва ҳоказо;

в) механик хоссалари-сиқилишдаги мустаҳкамлиги, қаттиқлиги, тараңглиги, зичлиги, деформацияси, эгилиши ва узилишга қарши мустаҳкамлик, пластиклик ва бошқалар.

Табиатда ҳозиргача аниқланган нефть ва газ конларининг 99 фоизи чуқинди тоғ жинсларига мансуб ва у уч турга бўлинади: донадор (грануляр), ёриқ ва аралаш коллекторлар. Нефть ва газ йиғилиши ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган тоғ жинслари “коллекторлар” дейилади.

Грануляр коллекторларга қум, қумтош ва қум-алебрит тоғ жинслари кирadi. Бундай тоғ жинслари орасида бўшлиқлар, ғовақлар ичида нефть ва газ йиғилади.

Ёриқ коллекторларга оҳактош, доломитлар кирadi ва шу ёриқликларда нефть ва газ йиғилади.

Аралаш коллекторларда грануляр ва ёриқ коллекторлар аралаш ҳолларда (буларга қум, қумтош ва алебритлар бир қонининг ўзида аралаш қатлам ҳосил қилган ҳоллари) учрайди. Коллекторларининг физик, механик ва кимёвий хоссалари узвий боғлиқ. Қатламларда босим камайган сари ғовақлардаги суяқлик (нефть ва газ) кенгайди, ғовақлар эса қатламдан ер юзасигача бўлган тоғ жинсларининг оғирлиги, яъни тоғ босими натижасида тораяди. Қудратлар иш жараёнининг ўзгариши натижасида қатламда босим бир зумда ўзгармайди, у секун маълум вақт давомида ўзгаради.

Сиртининг бир бирлик юзасига тик равишда таъсир қилувчи кучи “босим” дейилади. Биринчи Па, МПа ёки атмосферада ўлчанади. Атмосфераниннг физик ва техник турлари бўлади.

“Физик атмосфера” деб деңиз сатҳидаги 00С ҳароратдаги атмосфера ҳавосининг ўртача босимига айғилади ва қисқача атм билан белгиланади. Бу босим 760 мм баландликдаги босим устуни билан мувозанатлаштирилиши мумкин.

Техник атмосфера бу 735,5 мм баландликдаги суюб устуни ёки 10000 мм баландликдаги сув устуни босими билан мувозанатлаштирилиши мумкин бўлган босимдир, қисқача ат билан белгиланади. Барометр ёрдамида ат.да ўлчанган босим “барометрик босим” дейилади.

Ер қатламида атмосфера босими юкори босимида, кечали ва манометр билан ўлчанади ($P_{\text{ош}}$ ёки $P_{\text{абс}}$). "Тўлиқ ва абсолют босим" деб манометрини ва барометрик босимларининг ёнгилисига айталади. $P_{\text{абс}} = P_{\text{ман}} + P_{\text{атм}}$.

Дисперсия бу қатлам ва қудуқ босимлари орасидаги айирма.

Регрессия-қудуқ ва қатлам босимлар орасидаги айирма.

Дифференциал босим-бурғиланиш ортмасининг тўб босими билан қатлам босими орасидаги айирма.

"Тоғ жинсларининг эңчилиги" деб бир бирлик ҳажмининг қаттиқ жинснинг массасига айталади.

$$\rho = m/V; (\text{г/см}^3; \text{кг/м}^3; \text{т/м}^3)$$

Бу ерда: m тоғ жинсли массаси г, кг, т ; V тоғ жинсининг бир бирлик ҳажми, $\text{см}^3, \text{м}^3$. Масалан, сувнинг эңчилиги $\rho_{\text{с}} = 1 \text{ г/см}^3$, нефтьники $\rho_{\text{н}} = 0,785; 0,800; 0,850 \text{ г/см}^3$.

Ҳар қил жинсларининг эңчилиги намлиги ва соваклиги билан боғлиқлиги қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилган.

т/р	жинслар	соваклиги	1-жадвал эңчилиги г/куб. см	
			қуруқ ҳолатда	сувга тўйинган ҳолатда
1	тупроқ	20-70	0,7-2,0	1,4-2,4
2	куч	30-65	1,4-1,8	1,8-2,2
3	шағал	25-40	1,4-2,1	1,6-2,1
4	қумтош	0-51	1,6-2,6	2,0-2,8
5	дой (гил)	10-63	1,1-2,4	1,6-2,5
6	гилла сданец	0-45	1,6-2,8	1,9-2,9
7	ошактош	0-38	1,5-2,6	1,8-2,6
8	бўр	18-42	1,5-2,2	2,0-2,4
9	дозомит	5-16	2,3-2,7	2,8-2,7
10	мармар	0-5	2,6-2,9	2,7-2,9

Тоғ жинсларининг асосий физик механик хоссаи бўрилади пайеда тоғ жинсларининг эгилаувчанлигига, пастлиги хоссаи, ямтаҳкамлик қаттиқлик ва (абразивлик) емирувчанлик хусусиятига боғлиқ.

Тоғ жинсларининг эгилаувчанлик хоссаи. Ҳамма тоғ жинслари пастки куч таъсирида деформацияланади. Куч таъсири аста секин каттаёлади. Биринчи ҳолда эгилиш деформацияси, яъниети ҳолда пластиклик ҳолати рузи беради.

Деформация жинсининг массаси ўлгармаган ҳолда пастки кучлар таъсирида ҳажми ва шаклининг ўлгаринишидир.

Пластиклик - тоғ жинсларининг сув билан тўйиниши охиб кетиши патижасида тоғ жинсларининг оқувчанликка эга бўлган хусусиятидир.

Тоғ жинсларининг ташкил этувчи минераллар Гук қонунига бўйиснади. Жисмнинг инсбий деформация кучланмига (σ), тўғри мутаносиб ва таранглик коэффициентига тескари мутаносиб. Яъни:

$$\sigma = E\varepsilon \quad (2)$$

бу ерда: σ - кучланмиш, E - Юнг модули, ε - деформация; Тоғ жинслари эгилиш хоссалари $\mu = \varepsilon_x / \varepsilon_y$, бу ерда μ - Пуассон коэффициенти, ε_x - кундаланг деформация, ε_y - бўйлама деформация.

Тоғ жинсларининг мустаҳкамлиги табиий ва техник омилларга боғлиқ. Табиий омилларга: 1) минераллик хоссаси; 2) паял ва ўлчамларга; 3) структура ва текстура; 4) гравитик ва қат-қатлиги; 5) чуқурлик ётқизиқлиги.

Техник омилларга: 1) деформация; 2) масштабни омиллар; 3) емирилиш вақтига.

Тоғ жинсларининг қаттиқлиги геология фаши соҳасида қаттиқликнинг Моос шкаласида берилади ва у 5-жадвалда кўрсатилган.

5-жадвал

Кўрсаткич рақами	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Минерал	талък	тош туз ёски гипс	каль ций ёски оҳак ли шпат	плав ик шпа ти	ала тит	дала шпат лари	кварц	то наз	ко рунд	ол мос

8-мартуза . ТОҒ ЖИНСЛАРИНИНГ МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ.

Тоғ жинсларининг сиқилувчанлик коэффициентини аниқлашда пьезометрик мосламадан фойдаланилади [1]. Бу мосламада суюқлик ва тоғ жинсларининг сиқилувчанлик коэффициентини (β_c ва $\beta_{тж}$) ва ҳажм таранглик коэффициентини аниқланади. Бунинг учун намуна суюқлик билан тўлдирилади, қўроғини қопламага жойлаштирилиб пьезометрик идишининг қопқоғига мустаҳкамланади. Сўнгра поршень билан цилиндрда намунанинг ташқи томонидан қатлам босимга тенг босим сақланиб турилади. Ташқи босим таъсирида намунадан сув сиқиб чиқарилади ва коваклар ҳажми кичирлади. Шу вақтнинг ўзида поршень юқорига ҳаракат қилади. Намунанинг ташқи томонидан босим маълум бўлган ҳолда ва поршень ҳаракатини ҳисобга олиб ҳисобланади.

$$\beta_{тж} = \Delta h S / V_0 \Delta P.$$

бу ерда: Δh -поршеннинг ҳаракати; S -поршеннинг кесим юзаси; V_0 - намунанинг бошланғич ҳажми; ΔP - намуна қопламасидаги босимнинг ўзгариши.

7-маъруза. БУРГИЛАР.

Тоғ жинсларининг емирилиши уларнинг қаттиқлиги ва эгилувчанлигига боғлиқ. Демак, юмшоқ эгилувчан жинслар, масалан лой қатламлар кесиб-емирувчи бурғи ёрдамида емирилади. Қаттиқ ва мустаҳкам емирувчи жинслар уриб майдалани усулида емирилади. Бу ҳолда бурғининг ипчи элементлари жуда мустаҳкам бўлиши керак.

46 **Бурғи дастгоҳи ёрдамида тоғ жинслари емирилади.** Натижада (тоғ жинси тубида) қудуқ ҳосил бўлади. Тоғ жинсларининг емирилиш хараكتерига кўра бурғиловчи бурғилар қуйидаги синфларга бўлиниди:

1) кесиб-ўювчи ҳаракатдаги бурғи - ёпишқоқ ва эгилувчан, ушга қаттиқ бўлмаган жинсларни ва кичик емирувчи жинсларни емиришга мўлжалланган (лой, лойли қатлам);

2) майдалаб-ўювчи ҳаракатдаги бурғи - абразив ва абразив бўлмаган ўрта қаттиқликдаги, қаттиқ, мустаҳкам ва жуда мустаҳкам қаттиқликдаги жинсларни емиришга мўлжалланган;

3) кесиб-ишқатовчи ҳаракатдаги бурғи - ўрта қаттиқликдаги ва қаттиқ жинсларни бурғилашга мўлжалланган.

Вазифаларига қараб бурғиловчи бурғиларни яна уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1) намуна олмасдан бурғилаш (қудуқни чуқурлаштириш учун);

2) намуна олиш мақсадида;

3) махсус вазифаларни бажариш учун керак бўлган бурғилар.

Нефть ва газ қудукларини бурғилашда тоғ жинсларини емириш механик автоматик усулда бажарилади. Буида энергия бурғи станогни бўлган ва тоғ жинсини емирувчи асбоб-бурғини ишга туширади. Шундан хулоса қилишимиз мумкинки, "бурғи" - тоғ жинсларини емириш учун қўлланиладиган асосий емириш асбоби экан.

Бурғи ва бурғилаш каллаги орасидаги фарқ - бурғи қудуқнинг яни таги билан бурғилаш учун мўлжалланган, бурғилаш каллаги эса намуна олиш учун мўлжалланган бўлиб, у колонкали бурғиларнинг таркибий қисмларидан бирини ташкил қилади.

Бурғиларни жипс ёки таянчли ва ошқ таянчли бурғиларга ажратамиз. Уларнинг бир-биридан фарқи: жипс ёпиқ таянчли бурғиларнинг ГНУ ва ГАУ сериядагилари ишлаб чиқарилиб, улар мой билан тўлдирилган жипс ёпиқ таянчларга эга. Г - бурғининг ён томонидан гидромониторли ювилишга эга эканлиги, Н - бурғининг битта золдир сирпанувчи, қолганлари юмаловчи бўлган таянчга эга эканлиги, А - икки ва ундан ортиқ сирпаниш золдирларига эканлигини, У - бурғи мой учун резервуари бўлган жипс ёпиқ таянчга эгалигини билдиради, ГАУ серияли бурғилар

ҳақат ротор билан бурғиланиш учун, ГНУ сериялари эса турбобур ва ротор билан бурғиланиш учун мўлжалланган.

Очиқ талиғли бурғилар айланиб юрувчи бурғиланиш эритмаси билан мойланиб, бу эритма талиғларга напжа, цинф ва шарошканинг ички тузилмаларини орасидаги тешикчалар орқали тушади.

Лойиҳалаш вазифаларига қараб бурғилар тўртта бўлинади:

1) парракли; 2) шарошкли; 3) олмакли; 4) махсус ишлатиладиган бурғилар.

Парракли бурғи - нефть ва газ қудуқларининг бурғиланишда парракли бурғиларишнинг икки тури ишлатилади. Тоғ жинсларининг кесилиш ва ишқаланиш асосида смирадиган бурғилар, яъни нормал томонли НТ 26-02-88-68 қўйидаги диаметри ўлчамларда ишлаб чиқарилади:

1) икки парракли 2П (диаметрлари 76 мм дан 161 мм гача оддий ювувчи бурғилар;

2) уч парракли 3П ва 3ПГ - уч парракли гидромониторли бурғилар (диаметрлари 118 мм дан 445 мм гача);

3) кўп парракли бурғилар диаметрлари (76 мм дан 269 мм гача) ювувчи гидромониторли жуда қаттиқ жинсларнинг майдаланиш учун мўлжалланган.

3П бурғи абразив бўлмаган юмшоқ эгисувчан жинсларини (М-турдаги) ва ўрта қаттиқликдаги тоғ жинсларини (МС) бурғиланишда ишлатилади. Бурғининг ишдан чиқиб кетгани олдини олиш учун унинг парракларига қаттиқ қоринчалардан тайёрланган материаллар бириктирилади. Чўкинди жинслар ер юзасидаги турли жинсларининг нуранидан, смиринишдан ҳосил бўлган маҳсулотларининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб бориб тутилишини ҳосил бўлади. Бундай маҳсулотлар тоғ жинси ҳисобланмайди, улар ўз бопидан зичланиш, цементланиш жараёнини ўтказгандагина тоғ жинсига айланади. Чўкинди тоғ жинсларининг қалинлиги бир неча сантиметрдан, бир неча юз метр, баъзан бир неча километргача етади. Масалан Фарғона водийсида уларнинг қалинлиги 1500 метргача етади.

3П бурғи қудуқни 100-120 м/с тезликда ҳаракат билан ювиш хусусиятига эга. Ишлаб чиқаришда 3П бурғи (диаметри 118 мм дан 445 мм гача) қўлланилади. Камчиликлари: қудуқ деворини ва тубини тоғ жинсларини кесилишда парраклари узлуксиз ҳаракат давомида тезда ишдан чиқади.

ЗИП-уч парракли кесиб-ишқаловчи бурғи. Уч парракли бурғидан ЗИП ният фарқ қилувчи хусусиятлари қуйидагича: учта парраги тўмтоқ қилиб тайёрланган бўлиб улар корпусга шундай бириктирилганки, улар бурғига мос тушган. Абразив юмшоқ жинсларини, ўрта қаттиқликдаги жинсларини бир вақтининг ўзида кесилиш ва тозалаш билан смирини хусусиятига эга. Бундай бурғи диаметри 190,5 мм дан 269,9 мм гача.

9-матруза. ШАРОШКАЛИ БУРГИЛАР

49 Ҳозирги пайтда нефть ва газ қудуқларини бурғилаш амалиётида қўйилган бурғилардан кенг фойдаланилади. Замонавий кенг қўлланиладиган 3 шарошкали бурғи, сўнгра сон жиҳатдан камроқ бир шарошкали бурғи ишлатилади. Давлат стандарти шарошкали бурғиларини тоғ жинсларининг механик ва емириш хусусиятига қараб (диаметрлари 46 мм дан 508 мм гача) ишлаб чиқаради. Нефть ва газ қудуқларини бурғилишда шарошкали бурғиларининг 190,5 мм дан 508 мм гача бўлган катигинидаги турдагиларини кўпроқ фойдаланилади. Бурғида ювиш суюқларини чиқариш учун ушта ювини тошнинг мажмуи бўлиб, улар алмаштиралиб турилади. Бурғи соғат стрелкаси йўналишида ҳаракатланганда, шарошкalar қудуқ тўбда соғат стрелкаси қарши ҳаракатланиб, мураккаб айланма ҳаракат ҳосил қилади. Шарошкали шарошкalarнинг тоғ жинсларини емирувчи элементлари аллиси ларб билан майдалаб олади.]

[Нефть ва газ қудуқларини янги тўби билан бурғилишда қўлланиладиган уч шарошкали бурғиларининг 13 турини мажмуи 6 жайдада кўрсатишган М, МЗ, МС, МСЗ, С, СЗ, СТ, Т, ТЗ, ТЗЗ, ТЗЗЗ, С, ОЗ.]

6-жадвал

бурғи тура	Уч шарошкали бурғилар учун тоғ жинсларининг умумий таъсифи
М	ювишқ жинсларини бурғилаш
МЗ	ювишқ абразивли жинсларини бурғилаш
МС	ўрта қаттиқ қатламдаги ювишқ жинсларини бурғилаш
МСЗ	ўрта қаттиқ қатламдаги ювишқ жинсларини бурғилаш
С	ўрта қаттиқ жинсларини бурғилаш
СЗ	абразивли ўрта қаттиқ жинсларини бурғилаш
СТ	қаттиқ жинсли қатламларда ўрта қаттиқ тоғ жинсларини бурғилаш
Т	қаттиқ тоғ жинсларини бурғилаш
ТЗ	абразивли қаттиқ тоғ жинсларини бурғилаш
ТЗ	қаттиқ ва мустанкам муфт қатламдаги тошли ва абразивли тоғ жинсларини бурғилаш
ТЗЗ	қаттиқ қатламдаги абразивли қаттиқ, қаттиқ тоғ жинсларини бурғилаш
Т	қаттиқ тоғ жинсларини бурғилаш
ОЗ	ўрта қаттиқ тоғ жинсларини бурғилаш

[М, МС, С, СТ ва Т турдаги бурғилар тоғ жинсларини кесиб ўтган бурғи турига киради; МЗ, СЗ, ТЗ, ТЗЗ, Т ва ОЗ жайдада ўтган қари қатламдаги бурғилар: МСЗ ва ТЗ кесиб ишқаловчи қарама-қарши бурғилар турига киради.]

Бир шарошкали бурғилар қуйидаги диаметрларда тайёрланади: 97, 140, 161, 190 ва 141 мм.

Икки шарошкали бурғилар: 46, 59, 93, 112, 132, 151, 190 ва 214 мм ли бўладилар.

Бутун дунё давлат стандартига жавоб берувчи корхона ва ташкилотларда тайёрловчи бурғилар ISO 9001-94 ва API Q1. Спецификацияси 7 API ва ISO 3395 стандартларига тулиқ жавоб беради. Бурғиларнинг 200 дан ортик тури мавжуд. 21 ўлчамли шарошкали бурғи қуйидаги диаметрларда чиқарилади: 120,6 мм дан 444,5 мм гача, тезлик (600 ай/мин), ўрта (300 ай/мин), секин (100-150 ай/мин) айлантириладиган бурғилар ишлаб чиқилади.

Юмшоқ тоғ жинсларидан то қаттиқ тоғ жинсларини майдаловчи кенгайтирувчи диаметри 558,8 мм дан 850 мм гача бўлган шарошкали бурғилар мавжуд. Пневматик клинкали ушлаб олувчи бурғи диаметри 560 мм ва 700 мм ҳам кенг қўлланилади.

10-март. ОЛМОСЛИ БУРҒИЛАР

Бу бурғилар нообразив тоғ жинсларининг ўрта ва қаттиқ турдаги жинсларни емиришда-кесиб ишқалаб емирувчи бурғи сифатида фойдаланилади. Бу бурғи қиммат баҳодир. Шунинг учун уни чуқур мураккаб қудуқларга ишлатиш мақсадга мувофиқ (3000 м дан юқори). Улар бурғининг ўтиш йўлини узайтиришни таъминлайди. Бу эса қудуқга қувурларни тушириш, кўтариб олиш ишларининг вақтини тез ўтишига ёрдам қилади.

Қудуқларни узлуксиз бурғилашда 200-250 соат давом этдиши мумкин ва у қуйидаги хусусиятга эга:

- а) қазилиш тезлиги жуда катта;
- б) ускуналарни кўтариб тушириш сонини камайтиради;
- в) иқтисодни ва вақтни тежайди.

Олмосли бурғи фасонли бошчадан ва резбали қулфли пўлатли корпусдан иборат. 7-жадвалда диаметрлари 138, 159, 188, 212, 241 ва 267 мм бўлган бурғиларга йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ўқ кучи ва бурғилаш эритмаси сарфи қанча кетишлиги кўрсатилган.

7-жадвал

Бурғи диаметри, мм	Йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ўқ кучи, тК	Бурғилаш эритмасининг сарфи, л/с
138	6	10-18
159	7	14-22
188	9	20-30
212	10	26-40
241	11	30-45
267	12	30-50

МАХСУС ИШЛАТИЛАДИГАН БУРҒИЛАР

Бундай махсус ишлатиладиган бурғиларга қуйидагилар киради:

1) найзасимон бурғи-қудуқларни бурғиладда катта диаметрдан кичик диаметрга ўтишда, пробкали цементли ва авария ҳолларда ишлатиладди. Уларнинг икки хили мавжуд:

а) ПЦ - цементли пробкали бурғилад;

б) ПР - қудуқ танасини кенгайтириш учун бурғилад;

2) кенгайтирувчи бурғи-буларга уч шарошкали кенгайтирувчи бурғилар киради. Уларга диаметрлари 243, 269, 295, 346, 395 ва 445 мм бўлган тўрт ва олти парракли кенгайтирувчи бурғилар, бир шарошкали кесувчи ва ишқаловчи бурғилар киради;

3) фрезерли бурғи-цементли кўриқлар ўрнатишда, қудуқларда қолиб кетган металлларни олишда ишлатилади. ДФТС (фрезерли қаттиқ спиралли бурғи) тури мавжуд. Диаметрлари 139,7 мм дан 445,5 мм гача;

4) реактивли турбинали бурғи-(РТБ). Буларга олти шарошкали бурғилар киради. Бу бурғилар махсус тайёрланади. Қаттиқ силлиқ типли, жудаям қиммат корпусдан иборат, диаметрлари 120,6 мм дан 444,5 мм гача.

II-маъруза. ТОҒ ЖИНСИ НАМУНАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Тоғ жинси намуналари таркибидаги элементларни геологик аниқлашда радиометрик ва ядровий физик усуллардан фойдаланилади. Тоғ жинси қатламларини тасвирлашда геологик қидирув ишлари ўтказилади. Жинслар ва рудаларнинг таркиби намуналар олиб текширилади. Бу намуналар бурғиланган қудуқлардан, ернинг тупроқ қатламларидан, кўриниб турган тоғ жинсларидан, кон қазилмаларидан олинади. Қолаверса, сув намуналари бурғиланган қудуқлардан, кон ва булоқлардан олинади. Олинган тоғ жинслари қайта ишланиб тегишли ядро физикаси институтига жўнатилади ва у ерда радиометрик ва ядровий физик усуллар ёрдамида намуналар таркибидаги кимёвий элементларнинг миқдори аниқланади.

Радиометрик усул ёрдамида қаттиқ намуналар таркибидаги сув, ҳаво ва қуйидаги радиоактив элементлар-уран (U), радий (Ra), торий (Th), калий (K), радон (Rn) ва торон (To) текширилади. Гамма (γ) ва бетта (β) нурланиш спектрлари текширилади.

Сув ва ҳаво намуналари ЭМ-6а манометри ёрдамида текширилади. Қуйидаги ядровий физик усуллар: рентген радиометрик ва Гамма-нейтрон усуллари ёрдамида - талқон намуналар таркиби "Бериллий РАП-6л, РАП-8, "Бериллий-4" асбоблари ёрдамида аниқланади;

Ядровий-гамма резонанс усули - намуналарда қалай (Sn) оксидларини аниқлайди ва МАК-1 асбоби ёрдамида ўлчанади.


Гамма-электрон усули - намуналарда қўрғош (Pb) вольфрам (W), сурма (Sb), кадмий (Cd), молибден (Mo) ва мис (Cu) элементларини аниқлайди.

Нейтрон-нейтрон усули - намуналарда (B) ни аниқлайди ва ПВМ-2 ўлчашлар барометри ёрдамида ўлчанади.

Нейтрон-активацион усули - намуналарда кремний (Si), алюминий (Al), марганец (Mg), мис (Cu), фтор (F) элементларида аниқланади ва "Нейтрон-2", "Нейтрон-8" асбоблари ёрдамида ўлчанади.

12-маъруза. НЕФТ ВА ГАЗ ҚУДУҚЛАРНИ БУРФИЛАШДА ТОҒ ЖИНСЛАРИ НАМУНАЛАРИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

Қудуқларни бурғиладиган тоғ жинсларининг физик хусусиятларини ва уларнинг таркибини ўргатиш билан геофизик текшириш ва илмий ишлар натижаларини геологик талқин қилиш зарур бўлади. Қудуқларни бурғиладиган жараёнида намуна баъзи қатламлар бўйича тўлиқ бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун геофизик ишлар натижаларини талқин қилишда қатламлардан жинс намуналари олинади. Ер қатламларидаги тоғ жинслари таркибидаги эритма ва сув намуналарини олиш учун ОПТ-7-10 ускуна



1-расм. Намуна олдиргич: 1) намуна олувчи корпус;

2) намуна йиғувчи идиш; 3) сиқилувчи дастак; 4) суюқ намуна тортиш поршени; 5) герметик резина; 6) намуна олувчи туйнук.

Бурғи қудуқда қатламлардан жинс намуналарини олиш учун ОПД-7-10, ОПН-7-10 ва ОПК-7-10 асбоблари ва диаметрлари 138, 159, 188, 212, 124 ва 267 мм бўлган намуна олувчи асбоблар ишлатилади. ОПК-7-10 намуна олувчи асбоблар порох ёрдамида отилиб куч билан қудуқ ичидаги қатлам жинсларига кириб намуна олиади ва пружиналар ёрдамида ўз ҳолига қайтади. Қаттиқ тоғ жинсларидан намуналар олишда ёнлама бурғилаб намуна олувчи асбоб қўлланилади.

Газ устида тажрибалар учун УГК-3, газ ва конденсат хоссаларини ўрганиш учун УФР-2 ускуналардан фойдаланилади. Қудуқдаги қатлам босимлариши, ҳароратини, нефть ва газ, сув келаётган жойларни аниқлай-диган яна бир қанча ускуналар мавжуд.

13-маъруза. БУРҒИЛАШ КОЛОННАСИ

Бурғилаш колоннаси-бу қудуқ тубидаги бурғидан бошлаб то бир неча ўнлаб қувурлар колоннасини туташтирувчи барча бурғилаш ускуналаридир. Бурғилаш колоннаси қуйидаги асосий элементлардан ташкил топган: бошқарувчи қувур, бурғили қувурлар, бурғилаш қулфи, ўзгартма (переводник), бурғилаш қувур колонналарини марказлаштиргич ва оғирлаштирилган бурғили қувур (ОБК)дан иборат.

Бошқарувчи қувур бурғили қувурларни ротор орқали айлантириш ишhini бажаради. Бурғили қувурлар - колоннанинг асосий қисми, ротор усули билан бурғиланганда қувур, бурғи билан бирга айталиб ҳаракатланади ва қудуқ тубидаги тоғ жинсининг бўлақларини тозалаш учун қувурлардан ювиш суюқлиги ҳайдалади.

Гидравлик туб двигателлар қудуқларни бурғилашда қувур колонна-сига асосий ювиш суюқликларини етказиб берувчи ускунадир.

Бурғилаш қулфи ҳар бир қувурларни бир-бирига боғлаб туради.

Ўзгартма-бу бурғилаш колонна элементларини ушлаб қолувчи ас-бобларини бурғилаш қувурларига боғлаб туриш учун хизмат қилади, уларнинг ўлчамлари ҳар хил бўлади.

Бурғилаш қувур колонналарини марказлаштиргич - қудуқларни бурғилашда туб двигателлар ёрдамида қудуқ танаси емирилишининг ол-дини олади.

Оғирлаштрилган бурғили қувур - бурғиланаётган бурғининг устки қисмида жойлашган бўлиб қудуқнинг тўғри кетишини таъминлайди.

14-маъруза. БУРҒИЛАШ КОЛОННАЛАРИНИНГ КОНСТРУКЦИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИ.

Бурғилаш колонналарининг конструкция элементлари қуйида-гилардан ташкил топган:

1). Бурғили бошқарувчи қувур-қалин, квадрат, олти қиррали, саккиз қиррали ёки ички новли конфигурацияли ва айланма циркуляцияли каналдан ташкил топган ускуналардан иборат. Бурғили бошқарувчи қувур (ЧМТУ 3613-53 техник ва нормал И293-49) қуйидаги ўлчамли диаметрлардан иборат: 65, 80, 112 (115), 140 ва 155 мм.

2). Бурғили, муфтали туташтирувчи қувурлар. Ташқи диаметрлари 60, 73, 89, 102, 114, 127, 140 ва 168 мм ўлчамларда тайёрланади. Деворининг қалинлиги 7 мм дан 11 мм гача.

Ҳозирги кунда ҳар хил узунликда, ҳар хил қалинликда ўзимизда ва чет эл давлатларида қувурлар ишлаб чиқарилмоқда. Қувур узунлиги 6+0,6 м; 8+0,6 м; 11,5+0,9 м (60-102 мм диаметрларда) 41 метрли минорага 22,5 м узунликда ва 24,25 метрли шам (свеча) ишлатилади. Шам-бир нечта дона қувурлар бирикмасидир. Бурғили қувурларни ишлаб чиқаришда ва муфталар билан бир - бирига боғлаб туришда пўлат қувурли гуруҳлар мустаҳкамлиги Д, К, Е, Л, М ишлатилади.

Ҳозирги вақтда бурғилаш қувурларининг қуйидаги турлари қўлланилади:

- а) учлари ичкарига жойлаштирилган;
- б) учлари тапқарига жойлаштирилган;
- в) учлари ичкарига жойлаштирилган ва ТБВК мўътадиллаштирувчи белбоғларига эга бўлган;
- г) учлари ичкарига жойлаштирилган ва ТБВК мўътадиллаштирувчи белбоғларига эга бўлган;
- д) ТБС ушлаб қолувчи белбоғларига ҳамда ЗШС қулфларига эга бўлган;
- е) оғирлаштирилган бурғилаш қувурлари ва мувозанатлаштирилган оғирлаштирилган бурғили МОБК қувурлар.

Қуйидаги 8-жадвалда қувур ва муфта ҳақида асосий тавсиф берилган.

8-жадвал

Қувур-нинг шартли диаметри, мм	Қувур					Муфта		
	ташқи диаметр, мм	девор қалинлиги, мм	ички диаметр, мм	1 м силлиқ қувур массаси, кг	1 м қувур массасининг ортиши, кг	ташқи диаметр, мм	узунлик, мм	массаси, кг
1	2	3	4	5	6	7	8	9

учлари ичкарига жойлаштирилган қувур

60	60,3 (23/8")	7 9	46,3 42,3	10,26 12,33	2,1	80	140	2,7
73	73 (27/8")	7 9 11	59 55 51	11,4 14,2 16,8	2,0	95	166	4,2
89	89 (31/2")	7 9 11	75 71 67	14,2 17,8 21,2	3,2	108	166	4,4
102	101,6 (4")	7 8 9 10	87,6 85,6 83,6 81,6	16,4 18,5 20,4 22,4	5,0	127	184	7,0
114	114,3 (41/2")	9 10 11	96,3 94,3 92,3	23,3 25,7 28,0	6,0	140	204	9,0
127	127 (5")	7 8 9 10	113 111 109 107	20,7 23,5 26,2 28,9	6,5	152	204	10,0
140	139,7 59/16"	8 9 10 11	123,7 121,7 119 117	26,0 29,0 32,0 35,0	7,5	171	215	14,0
168	168,3 65/8"	9 10	150,3 148,3	35,3 39,0	9,5	197	229	16,7

учлари ташкарига жойлаштирилган қувур

60	60,3 23/8"	7 9	46,3 42,3	9,15 11,3	9,2	86	140	2,7
73	73 27/8"	7 9 11	59 55 51	11,4 14,2 16,8	2,5	105	165	4,7
89	89 31/2"	7 9 11	75,0 71,0 67,0	14,2 17,8 21,2	3,5	118	165	5,2
102	101,6 4"	8 9 10	85,6 83,6 81,6	18,5 20,4 22,4	4,5	140	204	9,0
114	114,3 41/2"	8 9 10 11	98,3 96,3 94,3 92,3	20,9 23,3 25,7 28,0	5,0	152	204	11,0

8-жадвал давоми								
140	139,7 59/16"	8	123,7	26,0	7,0	185	215	15,0
		9	121,7	29,0				
		10	117,0	35,0				

ОҒИРЛАШТИРИЛГАН БУРҒИЛИ ҚУВУР

Оғирлаштирилган бурғили қувур бурғили колоннанинг пастки қисмига жойлашган бўлиб, мақсади-бурғилаш колоннаининг қаттиқлигини ошириш, бурғининг ишлаши ва чидамлилигини оширишдир. Бурғига берадиган юкнинг бардошлилигини таъминлайди ва қўйидаги турларда тайёрланади: силлиқ ОБҚ, спиралли ОБҚ, проточкали элеватор ости ва клинли унловчи спиралли ОБҚ.

ОБҚ тавсифи 9-жадвалда берилган.

9-жадвал

Кўрсаткич	Оғирлаштирилган қувур ўлчами, мм							
Ташқи диаметр, мм	95	108	146	178	203	219	229	254
оралиқ канали	32	38	75	80	100	120	100	100
Қўндаланг кесим юзаси, см ² қувур танаси	63	80	123	198	245	-	-	-
оралиқ канали	8,05	11,35	44,2	50,3	78,5	-	78,5	78,5
1 м қувур оғирлиги, кг	49	63	97	156	192	212	273	336

Бурғилаш қувурлари ускуналари пулат материалдан тайёрланади у 10-жадвалда кўрсатилган.

10-жадвал

Механик хоссалари	Пулат мустаҳкамлик группаси				
	Д	К	Е	Л	М
Вақтинча узилиш қаршилиги, МН/м ²	650	700	750	800	900
Оқувчанлик чегараси, МПа	380	500	550	650	750

15-маъруза. БУРҒИЛАШ КОЛОННАЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ

Роторли бурғилаш учун шартли амални бажарамиз ва бурғилаш колонналарида қўйидаги шартлар бажарилади:

- 1) колонна ўзининг юкидан ўқ қўзилиши кучини;
- 2) ўқ сиқилиш кучи, пастки қисм ҳаракати ва колоннанинг оғирлиқ пайдо бўлиш қисми;

3) марказий куч таъсирида колоннанинг айланishi натижасида содир бўладиган эгувчи момент;

4) колоннани айланishiни ҳаракатга келтирадиган айлантирувчи момент.

Бургилаш қувурларини амалиётда статик мустаҳкамлигини текширишда қудуқларни роторли бургилашда қуйидагиларга эътибор берилади:

1) колоннанинг пастки қисмини оғирлаштирилган бургили қувур билан биргаликда узунлиги аниқланади.

$$L_0 = \frac{P_0}{0,9(1 - \frac{\gamma_c}{\gamma})}, \quad (3)$$

бу ерда: Р_д-бурғига бериладиган ўқ босими; q₀-1м узунликдаги бурғилаш қувурининг пастки қисми оғирлиги, кг; γ_c, γ -бурғилаш лой эритмасининг зичлиги ва колоннанинг пастки қисм аниёсининг зичлиги, г/см³;

2) Бурғилаш колоннаси устки қисмини статик мустаҳкамлиги текширилади ва унга қуйидаги кучлар таъсир қилади: Q-чўзилиш кучи, M_{ан}-айланма момент ва P-ички босим. Қувур учун мустаҳкамлик шартини колонна юқори қисми учун қўлланилади:

$$\sqrt{\sigma_1^2 + 4\tau_{an}^2} \leq [\sigma], \quad (4)$$

бу ерда: σ₁ - чўзилишдаги тўлиқ нормал кучланиш; τ - айланма кучланиш; [σ]-чўзиувчи қувур материали кучланиши.

Бурғили колоннанинг элементи учун сиқилиш ва чўзилиш кучланиши:

$$[\sigma] = \sigma_0 / k, \quad (5)$$

σ₀ - оқувчанлик чегараси; k-захирадаги мустаҳкамлик коэффициенти. K=1,4 ÷ 1,5 қабул қилинади.

3) Агар бурғилаш қувурлари учун оғирлаштирилган бурғили қувур ишлатилмаса колоннанинг пастки қисми учун статик мустаҳкамлиги аниқланади. σ₁- эгилиш ҳолини эътиборга олиб тўлиқ нормал сиқилиш кучланишини аниқлаймиз:

$$\sigma_1 = \sigma_{\text{сж}} + \sigma_{\text{ж}}. \quad (6)$$

Колоннанинг юқори қисми учун m - m₁ σ₁=σ₀ деб нормал чўзилиш кучланиши қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\sigma_p = Q/F, \quad (7)$$

бу ерда: F - қаралаётган қувур ёки қулф кўндаланг кесим юзаси.

Энди дасттоҳларнинг чўзилиш кучланиш кучини қуйидаги формула орқали аниқлаймиз;

$$Q = [(qL_1 + q_1L_2 + Q_1 + Q_2)(1 - \frac{\gamma_c}{\gamma})] + \frac{\pi P d}{4}, \quad (8)$$

бу ерда q - 1 м қувур оғирлиги (қулф билан биргаликда), кг;

L_1 - бурғиlash колоннасининг узунлиги, м;

q_1 - 1 м оғирлаштирилган бурғили қувур оғирлиги, кг;

L_2 - оғирлаштирилган бурғили қувур узунлиги, м;

Q_1 - бурғи оғирлиги ва колоннасининг бошқа элементлари оғирлиги,

кг;

Q_2 - дасттоҳларнинг кўтаришдаги кучайиши, тк;

d_U - бурғили қувур ички диаметри, мм.

σ_p - нормал чўзилиш кучланиши аниқлашда амалиётда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\sigma_p = \frac{L_1(\gamma - \gamma_c)}{10} \quad (9)$$

Агар қувур оғирлаштирилган бурғили қувурсиз бурғиланса, у ҳолда $L_1=L-z$, м бу ерда L - бутун қувур узунлиги; z - пастки сиқиб турган қувур узунлиги, м;

$z=P_d/q$, бу ерда q - 1 метр қувур оғирлиги, кг; энди қувурлар колоннасининг бутун узунлиги бўйича айланма уринма кучланишни аниқлаймиз. Айланма кучланиши $\tau_{ай}$ қуйидаги формуладан топилади:

$$\tau_{ай} = M_{ай}/W_{ай} \quad (10)$$

бу ерда: $M_{ай}$ - энг катта бураш momenti, $W_{ай}$ - қувурларнинг (силлиқ қисмининг) қутб қаршилиқ momenti.

Энг катта бураш momenti қуйидагича топилади:

$$M_{ай} = 71620 N R_g / n \quad (11)$$

Бу ерда N - бурғиlash колоннасини айлантиришга сарф қилинадиган қувват; R_g - динамиклик коэффициентини бўлиб, унинг қиймати $1.5 \div 2$ ораликда ётади; n - бурғиlash колоннасининг айланиш тезлиги.

Қувурларнинг қутб қаршилиқ momentини аниқлаймиз:

$$W_{ай} = \frac{\pi(d_r^4 - d_n^4)}{16 d_r}, \quad (12)$$

Бу ерда: d_r ва d_n - бурғиlash қувурларининг мос равишда ташқи ва ички диаметри.

Сиқилишдаги нормал кучланишни аниқлаймиз:

$$\sigma_{\text{сил}} = P_d / F \quad (13)$$

Бу ерда: $\sigma_{\text{сил}}$ - сиқиш нормал кучланиши; F - бурғили қувурининг (силлиқ қисмининг) қўндаланг кесим юзаси. Қудуқларни роторли бурғилашда ва қувурларни резбали бириктиришда қувурларнинг емирилишига олиб келади. Шунинг учун резбали бириктириш учун ағувчи кучланишни аниқлаймиз:

$$\sigma_{\text{т}} = 2000 \frac{f I}{I^2 W_6} \quad (14)$$

Бу ерда I - қувур қўндаланг кесими юзасининг экваториал инерция моменти:

$$I = \frac{\pi}{64} (d_r^4 - d_n^4) \quad (15)$$

f - мумкин бўлган ағилиш кўрсаткичи (см ларда):

$$f = \frac{1,1 D_{\text{бур}} - D_{\text{к}}}{2} \quad (16)$$

Бу ерда: $D_{\text{бур}}$ - бурғининг диаметри, $D_{\text{к}}$ - қулфнинг ташқи диаметри, l - марказдан қочма кучлар ва бурғига тушган юкнинг биргаликдаги таъсири натижасида ҳосил бўладиган ярим тўлқин узунлиги:

$$l = \frac{10}{\omega} \sqrt{0,5 z_1 + \sqrt{0,25 z_1^2 + \frac{0,2 I \omega^2}{q_2}}}, \quad (17)$$

бу ерда: ω - колоннанинг айланиш бурчак тезлиги:

$$\omega = \frac{n\pi}{30};$$

W_6 - қувур жойлаштирилган учининг экваториал қаршилиқ моменти; q_2 - 1 см узунликдаги қувурининг массаси; z_1 - колоннанинг ярим тўлқин аниқланадиган жойининг координатаси бўлиб, у қувурининг қўзилган қисми учун - мусбат, сиқилган қисми учун - манфий бўлади.

$$W_6' = \frac{\pi(d_{гук}^4 - d_{яук}^4)}{32 d_{гук}} \quad (18)$$

